

Абу Лайс



21:10 / 11.02.2019 2485

Имом, фақиҳ, муҳаддис, зоҳид Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Самарқандий Ҳанафий. «Танбеҳул ғофилийн», «Ал-Фатаво» китоблари муаллифи.

Бу киши Муҳаммад ибн Фазл ибн Унайф Бухорий ва бошқа кўплардан ҳадис ривоят қилганлар. Мазкур ривоятлардан мавзӯ ҳадислар ҳам бор.

Бу зотдан Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдурраҳмон Термизий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган.

Абу Лайснинг вафотлари 375 йилнинг жумодул охир ойида бўлганини қози Шаҳобиддин Аҳмад ибн Али ибн Абдулҳақ ёзган маълумотлардан нақл қилдим.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан